



МУЛЛАСОДИҚОВА Нигора Миромоновна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доцент в.б., PhD



ШОКИРОВА Зулфия Нормакматовна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди

“ФОТИХА” СУРАСИ ОЯТЛАРИНИНГ БАЛОҒАТИ

СТИЛИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АЯТОВ СУРЫ “ФАТИХА”

STYLISTIC ANALYSIS OF THE VERSES OF SURAH “FATIHA”

Аннотация: Мазкур мақолада “Фотиҳа” сурасининг дастлабки оятларининг грамматик ва стилистик таҳлили тақдим этилган. Оятларда қўлланган ҳар бир сўзнинг ўрни ва вазифаси, ифодаб келган маъноси ёритилган. Шу билан бир қаторда уларни ўзбек тилига таржима қилишда сўзни танлаш ва асл матндаги маънони ақс эттиришда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун сўзларнинг маъносига алоҳида эътибор қаратиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: бисмиллаҳ ибораси, ҳамд, шукр, мадҳ, Алҳамду лиллаҳ

Аннотация: В данной статье представлен грамматический и стилистический анализ первых аятов суры “Фатиха”. В аятах подчеркивается роль и функция каждого используемого слова и его значение. Параллельно с этим дается информация о выборе слов при их переводе на узбекский язык, уделяется особое внимание значению слов для

решения проблем, которые могут возникнуть при отражении смысла оригинального текста.

Ключевые слова: фраза бисмиллаҳ, хвала, благодарность, похвала, вся хвала Аллаху.

Annotation: This article presents a grammatical and stylistic analysis of the first verses of Surah Fatiha. The verses emphasize the role and function of each word used and its meaning. In parallel with this, information is given on the choice of words when translating them into Uzbek, paying special attention to the meaning of words to solve problems that may arise when reflecting the meaning in the original text.

Key words: phrase bismillah, praise, gratitude, commendation, all praise is to Allah.

КИРИШ

Қуръони карим инсониятни ҳидоятга бошлаш учун Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) га нозил қилинган сўнгги илоҳий Китоб бўлиб, У Зотнинг вафотларидан сўнг халифа Абу Бакр (р.а) даврида илк бор китоб ҳолида жамланган. Сураларнинг нозил бўлиш ва жамланиш тартиби бир хил эмас. Биринчи бўлиб нозил қилинган “Алақ” сураси Қуръони каримда тўксон олтинчи ўринда жойланган, энг охири нозил қилинган “Наср” сураси эса бир юз ўнинчи ўринда жойланган. “Фотиҳа” сураси бешинчи нозил бўлган сура, ундан аввал “Муддассир”, кейин эса “Масад” суралари нозил қилинган. Тўртинчи ўринда нозил бўлган “Муддассир” сураси Қуръони каримда етмиш тўртинчи рақамда, олтинчи ўринда нозил қилинган “Масад” сураси бир юз ўн биринчи ўринда жойланган. “Фотиҳа” сураси эса бешинчи бўлиб нозил қилинган, Мусҳафда эса биринчи ўринда жойланган. Мазкур сура Маккада нозил қилинган ва етти оятдан иборатдир.

“Фотиҳа” сураси “فاتحة القرآن – Қуръонни очувчи”, “أم القرآن – Қуръоннинг асоси”, “أم الكتاب – Китобнинг асоси”, яъни Қуръони каримнинг мазмун-моҳияти бир сурада батафсил ва лўнда баён этилган деган маънода, “السبع المثاني – етти фазилатли оят”, “سورة الصلاة – намоз сураси”, “سورة الحمد – ҳамд сураси” каби номлар билан машхур.

Фикҳий жиҳатдан ёндашилганда Қуръони каримни ўқиш, намозни адо этиш доим “Фотиҳа” сураси билан бошланади. Уламоларнинг ибодатлар масаласи ҳақидаги фикрларига кўра, намозни “Фотиҳа” сурасисиз ўқиш қабул бўлмайдиган дейилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тилшуносликда ҳар қандай матн фонетик, орфографик, лексикологик, морфологик, синтактик, стилистик, семантик ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади. Морфологик жиҳатдан таҳлил “сарф” илми қоидалари асосида, синтактик жиҳатдан таҳлил “наҳв” илми асосида, стилистик нуктаи назардан таҳлил эса “балоғат” илми талаблари асосида амалга оширилади.

“Фотиҳа” сурасининг грамматик ва стилистик таҳлилини қиёсий ўрганиш унинг маъносини янада кенгрок тушунишга ёрдам беради. Мазкур суранинг матни қуйидагича келтирилади:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ (۱)
الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ (۲) الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ (۳) مُلْكُ يَوْمِ
الْدِّينِ (۴) إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ (۵) أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ (۶)
صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ (۷)

Қуръони каримда “Тавба” сурасидан бошқа барча суралар “بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ” деб бошланади. Бисм сўзидаги – олд кўмакчиси турли маъноларни ифодалайди, бу ўринда эса الاستعانة – ёрдам сўраб мурожаат қилиш, таяниш маъносини ифодалаган. Кўмакчи اسم сўзига қўшилиб бисм шаклини ҳосил қилган. بيسм бирикмасида اسم сўзи ўзбек тилидаги аниқланмиш, эса қаратқичли аниқловчи, араб тилида эса изофа бирикмасининг мудоф ва мудоф илайҳи вазифасини бажарган [10:35].

اسم сўзидаги алиф фақат الله сўзи билан бириккандагина кўп ишлатиладиган бирикма деб ҳисобланиб тушиб қолади, бошқа сўзлар билан бирикканда эса туширилмайди, масалан, “Воқеа” сурасининг 74 ва 96-оятлари, “Ҳоққа” сурасининг 52-ояти, “Алақ” сураси 1-оятларида اسم сўзи “رَبِّكَ” сўзи билан бирикканини ва алиф сақланганини кўришимиз мумкин:

فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ (س. الواقعة، ۴۷)
فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ (س. الواقعة، ۶۹)
فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ (س. الحاقة، ۲۵)
أَقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ (س. العلق، ۱)

Бисм бирикмасида бисм сўзи биринчи ўринга келган. Бунга балоғат илмидаги қаср – хослаштириш сабаб деб ҳисобланади. “Хослаштириш” деганда гапнинг бир бўлаги махсус йўл билан маълум маънони ифодалаш мақсадида ажратиб кўрсатилиши тушунилади ва у маъоний илмида “қаср” деб номланади

[12:165]. Суранинг биринчи “بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ” оятида қасрнинг икки турини кўриш мумкин:

1. التقديم ما حقه التأخير. – асл ўрнини ўзгартирган қаср – бу кейин келиши зарур бўлган сўз ўз ўрнидан олдинга ўтиши, яъни гапнинг муҳим бўлаги ажратиблиб таъкидлаш мақсадида асл ўрнидан гапнинг бошига ўтказилади, масалан: “أقرأ باسم الله – Аллоҳ номи билан ўқийман” жумласида бисм бўлаги муҳим бўлгани учун феълдан олдинга ўтказилса أقرأ باسم الله тарзида ўзгаради ва биринчи келган сўз ажратиблиб таъкидланган бўлади.

2. Махсус لا ва لا юкламаларининг бирга қўлланиши орқали ҳосил қилинадиган қаср, бу йўл билан ясалган қасрда لا أقرأ إلا باسم الله – Аллоҳнинг номисиз ўқимайман, яъни “фақат Аллоҳ номи билангина ўқийман” деб тушунилади. Юкламаларнинг бундай қўлланиши باسم бирикмасини ажратиблиб таъкидлашга хизмат қилади [9:102].

Оят таркибида феъл туширилган, чунки ҳар қандай иш ёки жараённинг бошланишида феъл турлича бўлиши мумкин. Оятдаги феълнинг туширилиши унинг маъносини – кўмакчисига юклаган. Аслида ҳамма ҳаракат бевосита Аллоҳга таяниб, Ундан мадад сўраб, Унинг номи билан боғланади, масалан: “Аллоҳ номи билан ўқийман (ёдлайман, ейман ва ҳақозо)” каби. Бундай ҳолатда иш ҳаракатига қараб турли феъллар қўллаш тақозо қилинади. Мана шу турли феъллар ўрнига “أَتَبَدَّئُ مُسْتَعِينًا بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ” дейиш мумкин ва айни шу маънода “أَتَبَدَّئُ” ибораси туширилган [9:104].

سўзлари эса сифатлар бўлиб, الله сўзига мослашган аниқловчи вазифасини бажарган. Олимлар الرَّحْمَنُ сифатининг маъносини واسع الرحمة – раҳмати кенг, الرَّحِيمِ сифатиникини эса دائم الرحمة – раҳмати давомий деб тушунишни айтадилар [9:108].

Суранинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи оятлари бирлашган ҳолда бутун фикрни ифодалаб, Аллоҳга ҳамд, сано айтиб, улуғлаш маъносини ифодалайди:

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ (۲) الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ (۳) مُلْكُ يَوْمِ الدِّينِ (۴)

Абдулазиз Мансур: Ҳамд – оламлар Рабби Аллоҳгаким (2), (У) меҳрибон ва раҳмли (3), ва жазо куни (қиёмат)нинг эгасидир (4).

Алоуддин Мансур: Ҳамду сано бутун оламлар Хожаси, Меҳрибон ва Раҳмли, жазо (қиёмат) кунининг эгасидир (2-3-4).

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф: Ҳамд оламлар Раббӣ – Аллоҳгадир (1). У Роҳман ва Роҳиймдир (2). Жазо-мукофот кунининг эгасидир (3).

Одатда инсон ҳар қандай ҳоли учун, ҳар бир амали учун Аллоҳга шукр айтади. “Ҳамд” сўзи Қуръони каримда ўн етти суранинг йигирма уч оятида “الْحَمْدُ لِلَّهِ” шаклида, бир сурада эса “الْحَمْدُ لِلَّهِ” шаклида учрайди. “Фотиҳа”, “Анъом”, “Қаҳф”, “Сабъ” ва “Фотир” суралари “الْحَمْدُ لِلَّهِ” деб бошланса, “Намл”, “Соффот” ва “Зумар” суралари “الْحَمْدُ لِلَّهِ” деб якунланади. Қолган сураларда эса турли ўринларда келтирилган. “Жосия” сурасининг 36-оятида гап қурилиши ўзгариб “فَلِلَّهِ الْحَمْدُ” тарзида келтирилган. “Ҳамд” сўзи ўз маъносидида “сано”, “мадҳ” ва “шукр” маъноларини бирлаштиради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳамд, сано, мадҳ ва шукр сўзларига қуйидагича таъриф берилади:

Ҳамд – мактов, мадҳ, улуғлаш; шукур, ташаккур. Диний матнларда Худо, пайғамбар ва халифалар, шоҳлар шаънига айтиладиган мактов, шеър, мадҳия маъноларини англатади [5:497].

Сано – табриклаш, саломлашиш; мадҳ, мактов; миннатдорчилик. Диний матнларда Худонинг ва Пайғамбарнинг шаънига айтиладиган мактов сўзлар, мадҳ, ҳамд маъноларини англатади [4:440].

Мадҳ – мактов, ҳамд, сано [3:521].

Шукр сўзи эса мамнунлик, қаноат ҳиссини билдириш каби маъноларни ифодалаши кўрсатилади [5:606].

Араб тилида эса “ҳамд” сўзи мактов, олқиш, ҳамд маъноларини билдиради [1:668]. Ҳамд фақат Аллоҳга нисбатан қўлланади, инсон ўзи эга бўлган ва эга бўлмаган ҳар қандай неъматга рози бўлиб, бутун қалби билан Аллоҳни улуғлаб, муҳаббатини ифодалаши мактов, яъни ҳамд деб аталади.

“Мадҳ” сўзи эса “ҳамд” сўзига синоним, одатда мадҳ тирикларга ҳам, марҳумларга ҳам, шунингдек, нарса ва тушунчаларга нисбатан ҳам баробар ишлатилиши мумкин. Мадҳ инсоннинг ҳулкида мавжуд бўлган ва умуман мавжуд бўлмаган сифатларни алқаш учун қўлланади. Мадҳнинг ҳамддан фарқи, ҳамд ҳар қандай ҳолат учун чин дилдан, ихлос билан айтилган мактов бўлса, мадҳ сўзловчининг мақсадига қараб бирор манфаатни кўзлаб

баъзан хушомад учун, баъзан чин дилдан айтиладиган мактовдир. Ҳамд фақат Аллоҳга, мадҳ эса юқорида айтганимиздек, бандага ёки нарсага қаратилади.

Шукр эса мактов, миннатдорчилик билдириш, ташаккур изҳор этиш, раҳмат айтиш каби маъноларни ифодалайди [2:688]. Инсон ўзига берилган неъматларга, амалга ошган ишларига қалбдан, бутун вужуди билан миннатдорчилигини билдириши унинг шукр қилишидир.

Ҳамд сўзи “Фотиҳа” сурасида الْحَمْدُ لِلَّهِ шаклида, “Жосия” сурасида эса “فَلِلَّهِ الْحَمْدُ” шаклида келтирилади. Ҳар икки оятда “Аллоҳ” ва “ҳамд” сўзлари иштирок этган бўлса ҳам гап қурилиши турлича. “Фотиҳа” сурасида “الحمد” сўзи биринчи, “الله” сўзи эса иккинчи ўринда келтирилади. “Жосия” сурасида эса аксинча, “الْحَمْدُ” сўзи иккинчи, “الله” сўзи эса биринчи ўринда келтирилган. Оятларнинг бундай қурилишида нима фарқ бор, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб бериш учун жумла турлари ва гап бўлақларининг синтактик вазифаларини фарқлаш талаб қилинади.

Наҳв илмида الْحَمْدُ لِلَّهِ гапи тузилишига кўра исмий жумла деб ҳисобланади, “الْحَمْدُ” сўзи мубтадо – эга, “الله” сўзи эса хабар – кесим вазифасини бажарган. Шу каби “فَلِلَّهِ الْحَمْدُ” гапи эса кўмакчили жумла деб аталиб, ف боғловчи, “الله” хабар муқаддам – эгадан аввал келган кесим, “الْحَمْدُ” эса мубтадо муаххар – кечиккан эга вазифасини бажарган [10:13]. Балоғат илмида эса гапларнинг тақсими наҳв илмидагидан ўзгача. Гапнинг воқеликни тўғри ёки нотўғри ҳолида акс эттириши хабарий, воқеликка муносабатни билдириши эса иншой деб ҳисобланади. Шунга кўра балоғат илми олимлари اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ оятини таҳлил қилишда икки нуқтаи назар билан ёндошадилар:

Хабарий жумла, чунки ҳамд сўзи фақат Аллоҳга хос, яъни фақатгина Аллоҳ ҳамдга лойиқ Зот деб ҳисоблангани учун ҳамд Аллоҳга тегишли экани ҳақидаги хабар деб қаралади.

Иншой жумла, чунки гап таркибида буйруқ маъноси ҳам мавжуд деб ҳисобланади. [12:54].

Баъзи жумлаларнинг тузилиши хабарий, моҳияти эса иншой ва аксинча, айримлари иншой услубда тузилиб, хабарий моҳиятга эга бўлиши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан қаралганда,

оят лафзан хабарий, маънан иншоий деб ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ бандаларига Ўзига ҳамд айтиб, улуғлашни буюрган.

Агар “**لِلَّهِ الْحَمْدُ**” тарзида мубтадони кечиктириб ишлатилса, ҳамд Аллоҳ ато қилган нарсагагина айтилаётган бўлади, яъни берганигагина ҳамд деб чегараланади, масалан, фарзандсиз инсонга Аллоҳ таоло фарзанд ато этса “**فَلِلَّهِ الْحَمْدُ عَلَى هَذِهِ**” дейди, яъни фарзандли бўлгандан кейин Аллоҳга мана шу неъмат учун ҳамдлар бўлсин деб тушуниш талаб қилинади. “**لِلَّهِ الْحَمْدُ**” деб эса ҳар замон, ҳар жой ва ҳар қандай ҳолатда, камбағалликда ҳам, бойликда ҳам, соғ бўлганда ҳам, касал бўлганда ҳам, қариб ожиз бўлганда ҳам ёки навқирон кучга тўлганда ҳам, умуман яхши ва ёмон кунимиз ва ҳолатимизнинг ҳаммасига “**لِلَّهِ الْحَمْدُ**” дейишимиз кўзда тутилади. Шунга кўра, “**لِلَّهِ الْحَمْدُ**” дейиш даражаси “**لِلَّهِ الْحَمْدُ**” кучи ва маъносидан солиштириб бўлмас даражада улуғ ва кучлидир.

“**لِلَّهِ الْحَمْدُ**” маъносида “**الشُّكْرُ لِلَّهِ**” деб ишлатиш мумкинми? Бу ўринда **لِلَّهِ الْحَمْدُ** сўзининг фақат тирикка нисбатан қўлланишини назарда тутиш зарур, Аллоҳ адабий тирик Зот бўлгани учун **لِلَّهِ الْحَمْدُ** деб айтиш шарт деб белгиланади. Бошқа махлуқотларнинг тириклиги барибир ўлим билан якунланади. Ўлган одамга эса ҳамд айтилмайди, аксинча мақталади. Мақтов эса “мадҳ” деб аталади ва у инсон учун хос хусусият деб ҳисобланади.

ХУЛОСА

Қуръони карим маъноларини бошқа тилда шарҳлашда аввало ҳар бир сўзнинг шакли ва мазмуни, унинг бошқа сўзлар билан қандай муносабатда боғланаётгани, гапдаги ўрни муҳим аҳамият касб этади. Сўзларнинг маъноларини танлашда тил, луғат билан чекланмай мантиқ, услуб, кўзда тутилаётган вазиятлар, сабаб ва натижалар, тарихий боғлиқликлар ва шу каби жиҳатлар ҳам чуқур таҳлил қилиниши лозим. Шу билан бир қаторда маъно ўгирилаётган тил қонун-қоидалари, тил имкониятлари ҳам албатта эътиборга олинishi зарур. Танланаётган ҳар бир синоним сўзларнинг бир-биридан айнан нимаси билан фарқланиши таржиманинг янада мукамал бўлишига ёрдам беради. Юқорида келтирилган “ҳамд” ва “шукр” сўзларининг фарқи нақадар экани таржимонни жиддий ўйлантириши ва зарур сўзни топа билишини

талаб қилади. Маҳорат билан қилинган таржима асл матннинг қийматини белгилайди ва турли табақа, дин вакиллари орасида ўзаро бағрикенглик ришталарини сақлашга хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Иброҳимов Н. ва муаллифлар. Ал-Қомус арабча-ўзбекча луғат. Ж. I. 2017, – 846 б.
2. Иброҳимов Н. ва муаллифлар. Ал-Қомус арабча-ўзбекча луғат. Ж. II. 2017. – 894 б.
3. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Ж. II., – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2020. – 672 б.
4. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Ж. III., – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2020. – 688 б.
5. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Ж. V., – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2020. – 608 б.
6. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018.
7. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржимон Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 2012. – 764 б.
8. أحمد اسكندر. كيف تطقن البلاغة. – القاهرة: عالم الكتب الحديثة، 3202
9. الزمخشري أبو القاسم محمود بن عمرو بن أحمد. الكشاف عن حقائق غوامض التنزيل وعيون الأقاويل في وجوه التأويل. – بيروت: دار الكتاب العربي، 9005 . الجزء الأول. – 612 ص. الجزء الثاني 225 ص. الجزء الثالث. – 911 ص. الجزء الرابع. – 916 ص.
11. مكاوي محمد عبد الشافي. التدبر اللغوي لسورة الفاتحة. – القاهرة: أكاديمية مكاري، 3202.
21. مكاوي محمد عبد الشافي. كتاب النحو. – القاهرة: دار النقوى، 4441
13. الهاشمي أحمد. جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبدیع. الطبعة الثانية عشرة. – لبنان: دار الإحياء التراث العربي، 5731هـ. – 824 ص.